



дят в околоректальную клетчатку в средней точке между корнем хвоста и анусом;

- внутриаортальное введение 1%-ного новокаина в дозе 100 мл. пункция аорты осуществляется справа между четвертым и пятым поперечно-реберными отростками поясничных позвонков или внутрибрюшинное введение 10%-ного раствора новокаина в дозе 10 мл в области правой голодной ямки по Д. Д. Логвинову.

В зависимости от характера течения патологического процесса инъекции новокаина повторяют 2-3 раза с интервалом 48 - 96 ч.

физиотерапия. Греческое слово «физиотерапия» (физис-природа и терапия-лечение) в переводе означает лечение природой, или, точнее, лечение естественными силами природы. При помощи специальной аппаратуры можно искусственно создавать некоторые природные факторы независимо от времени суток, сезонных условий, места и окружающей среды.

Из физических методов лечения коров с патологическими процессами в матке используют акупунктуру, представляющую собой разновидность рецепторной и нейростимулирующей терапии, а также электромагнитные токи УВЧ, КВЧ, СВЧ, лазеротерапия, магнитотерапия. В основе их лежит рефлекторный и нейрогуморальный механизм лечебного действия.

Акупунктура выполняется путем воздействия на биологически активные точки с помощью иглоукалывания, электропунктуры, криопунктуры. При иглоукалывании продолжительность процедур составляет 15-20 мин., при электропунктуре каждая необходимая точка (4 - 8 точек) обрабатывается 1,5-2 мин. и криопунктуре - 2-3 секунды.

УВЧ-терапия коров осуществляется с помощью прибора ЛГЗ-1 путем ректальной аппликации излучателя при мощности 30 Вт, ежедневной 10-минутной экспозиции в течение 8-10 мин.

Лазеротерапию проводят с помощью прибора СТП-3 низкоинтенсивным лазерным импульсом (средняя мощность не более 0,1 Вт с длиной волны 0,87 - 0,97 Нм) путем ректальной аппликации излучателя на 1 - 2 мин в течение 6-8 дней, или аппарата лазерной терапии «УЛЕИ-2К-СПОРТ» с импульсным лазерным лучом 0,89

- 0,92 мкм, частотой 2000 Гц, средней мощностью 4,2 Вт, экспозицией 3-5 минут с интервалом 24 часа путем использования вагинального и наружных излучателей.

П.А.Красочко, М.В.Якубовский,
А.И.Ятусевич,
г. Минск (Продолжение
следует)

УДК 577:4.388.619:616.99.59

А. Исмоилов, кичик илмий ходим, ВИТИ

ЗООФИЛ ҲАШАРОТЛАР ЭКОЛОГИЯСИ

Аннотация

В статье освещены результаты изучения видового состава зоофильных и синантропных мух. Рекомендован препарат для дезинсекции мест скопления и выплода насекомых.

Ключевые слова: экология, зоофил, синантроп, муха, эпидемия, эпизоотия, паразит, вид, насекомое, переносчик, инфекция, инвазия,

Синантроп ҳашаротлар одам ва ҳайвонларнинг кўплаб инфекцион ва инвазион касалликларига кўзғатувчиларининг механик ташувчиси ёки оралик ҳўжайини сифатида кўплаб антропоноз касалликларнинг кенг тарқалишига сабаб бўлади. Тадқиқотларимизда баъзи синантроп ва зоотроп ҳашаротларнинг биологик хусусиятларини ўргандик.

Куз чивини - *Stomoxys calcitrans* L. - табиий, синантроп ва зоотроп популяцияларни шакллантирувчи консурувчи чивинларнинг кенг тарқалган тури. Улар кон билан озикланади, чакқанда оғрик пайдо қилиб, тери қопламида оғир яллиғланиш кузатилади. Одатда, одам, йирик ва майда шохли ҳайвонлар ва отларнинг оёғини, чўчка ва итларни қулоқ супраси атрофини чақади. Бу чивин отларнинг терлама иситмаси вируси, сигирлар лейкози (кон раки) вируси, анаплазм, отлар ва қорамолларнинг везикуляр стоматити (пупакли оғиз яллиғланиш) кўзғатувчиларининг ташувчиси ҳисобланади. Бундан ташқари, куз чивини шарқ куй-

ofzoophilous and synanthropicflies in the article. Recommended preparation for disinsectization of insects' gathering and breeding places.

Key words: Ecology, zoophile, sinanthropus, fly, epidemic, epizootic, parasite, species, an insect, carrier, infection, invasion.

диргиси, бруцеллёз ва сальмонеллёзнинг механик ташувчиси сифатида қайд этилган. Улар жуда яхши учиб қобилятига эга бўлганлиги сабабли озиклантирувчи ҳайвонни излаб узок масофаларга учиб бора олади. Уларнинг паразитлик тарзда яшаши ҳайвонлар вазни пасайиши, сут соғим миқдорини 2-4 фоизгача камайтиришига сабаб бўлади ва чорвага жиддий иктисодий зарар келтиради.

Кўпайиши. Куз чивини гематофаг, уч марта кон билан озиклангандан кейин ургочиси гўнг ҳамда ўсимлик, ҳашакларнинг чириган қолдиқларига 20-100 тагача тухум қўяди. Тухумдан 1-4 кундан кейин личинкалар чиқади. Личинкалар тухум қўйилган жойдаги органик моддалар билан озикланади. Тухум ва личинкалар 30-35°C даривожланади. Уларнинг ривожланиши субстратнинг намлигига боғлиқ, чунки қуруқ қисмида личинкалар ривожланмайди.

Ургочи *Stomoxys calcitrans* тухумдан чиқиб, кейинги авлод учун тухум қўйгунга қадар бўлган ривож-

Summary

There is highlighted the results of species composition study



ланиш циклининг давомийлиги 3-5 ҳафтани ташкил этади.

Уй чивини - *Musca domestica vicina* Mcq. Уй чивини икки қанотли синантроп ҳашаротларнинг кенг тарқалган тури ҳисобланади. Улар умрининг асосий қисмини одамлар яшайдиган бинолар ва молхоналарда ўтказишади. Бизнинг шароитимизда уй чивинлари аҳоли пунктларидан узокровда - яйловларда ҳам учрайди. Улар полифаг бўлиб, турли ўсимлик ва ҳайвонларга оид углевод ва оксилли озукалар, одамлар озиқ-овқатлари ва қолдиқлари, ах- латлар билан озиқланади.

Уй чивинлари термофил тур, йилнинг иссиқ мавсумлари уларнинг энг кўп учрайдиган давридир. Улар ривожланишининг турли босқичларида, яъни личинка, гумбак ёки вояга етган - имаго ҳолатида қишлайди.

Чивинлар ичак инфекцияларини, дизентерия, полиомиелит, гепатит А, сальмонеллез, холера, токсик инфекциялари, ич терлама (тиф) касалликлари ҳамда қорамоллар мастита кўзгатувчиларининг (130 хил касаллик) механик ташувчилари ҳисобланади.

Кўпайиши. Уй чивини ўсимликларга ва ҳайвонотга оид озукалар қолдиқлари, тезак, одам ахлати ва бошқа шунга ўхшаш чиқиндиларга тухум қўяди. Личинкаси ахлат ва чириган моддалар билан озиқланади. Учинчи тулладан кейин гумбакка айланади. Ривожланиш давомийлиги яшаш шароитига, айниқса, ҳарорат ва атроф-муҳит намлигига боғлиқ. Личинкалар 1-2 ҳафта давомидида вояга етади. Ҳарорат 25°C бўлганда имаго ривожланиши 16 кунда якунланади.

Жануб сигир чивини - *Lyperosia titillans* Bez- zi — дашт ва ярим чўл, тоғ ва тоғолди яйловлари ҳудудида кенг тарқалган. Уй ҳайвонлари ҳамда одамга ҳужум қилувчи фаол қон сўрувчи. Яйловда яшашга мослашган; иссиқ қуёшли кунларда хира пашшадек ёпишади. Бинога камдан кам ҳолатларда учибкиради. Ёруғ бинода тунда ҳам қон сўриб паразитлик қилиши мумкин.

Кўпайиши. Жануб сигир чивини личинкаси сигир тезагида ривожланади. Улар ҳайвонлар нажаси ва турли озука маҳсулотлари қолдиқлари билан озиқланади, личинкаси капрофаг, сигир тезагига тўп- тўп қилиб 25 данадан 300-400 тагача тухум қўяди. *L. titillans* май-июнь ва сентябрь-октябрь ойларида энг кўп миқдорда учрайди. Ўммавий кўпайиши ёз ойларига тўғри келади.

Яшил гўшт чивини - *Lucilia sericata*. Синантроп тур. Улар очиқ бозорлар, турли маҳсулотлар - гўшт, балиқ, мевалар, ширинликлар ва бошқа маҳсулотлар сотиладиган биноларни, айниқса қушхоналарни ёқиради. Бог ва узумзорларда лат еган меваларни хуш кўради. Иссиқ қуёшли кунларда жуда фаоллашади ва тез, узок масофаларга учиб хусусиятига эга. Салқин тушган пайтда улар қуёш нури яхши ёритадиган ўсимлик қопламларида тўпланишади. Яшил гўшт чивинлари ҳамма жойда учрайди, одатда иссиқ дашт, чўл ва ярим чўл ҳудудларида кенг тарқалган.

Яшил гўшт чивини доимий нажасланган ва ифлосланган озука маҳсулотлари билан озиқланиши ҳамда турнинг ўта фаоллиги туфайли кўплаб инфекцияларнинг механик ташувчиси сифатида зарарли аҳамиятга эга. Личинкалари ҳайвон ва одамлар организмидида фа- култатив миаз касаллигини чакиради.

Ургочи чивинлар иссиқ ва нам ҳудудларда қўйларнинг жуни орасига ва яраларига тухум қўяди, личинкалари тухумдан чиқиб тери остига киради ва тирик тўқималар билан озиқланади. Қўйчилик ва балиқчиликка катта зарар келтиради.

Кўпайиши. Бу тур чивинларнинг личинкалари табиатда ҳайвонларнинг ўлакка жасадида, қуш- хоналардаги гўшт чиқиндилари ҳамда ошхона қол- диқларида, ҳайвонлар нажаси ва тезагида урчиди. Вояга етган яшил гўшт

чивинлари сезиларли дара- жада ксерофаг бўлиб, личинкалари эса гидрофилдир. Ургочи *Lucilia sericata* 100-150 тадан 6-8 марта тухум қўяди. Ривожланишининг тўлиқ цикли 14 сутка, ту- хуми 25 соатда етилади, личинкаси 3-4 сутка, гумбак даври 3-4 сутка ва имагонинг яшаш давомийлиги 1,5 ой. *L. sericata* апрель-май ва октябрь-ноябрь ойларида юкори даражада фаоллашади.

ПрофилактикаTM. Санитария-хўжалик тадбир- лари:

- майший чиқиндиларни ўз вақтида чиқариш;
- чиқинди контейнерлари майдончаларини ас- фальтлаш;
- чорвачилик фермалари ахлати оқадиган ариқ- чаларни ва полни бетонлаш, доимий тоза сақлаш;
- йилнинг иссиқ давларида дераза ва ромларни тўр билан қоплаш;
- молхоналарда ахлат ва чиқиндиларни ювиш (сув билан) қурилмаларини ўрнатиш ва х.к.

Дезинсекциянинг механик усуллари:

- бино ва иншоотларни тоза сақлаш;
- таркибида аттрактантлар бўлган, ҳашаротларни ўзига жалб этадиган феромонли ёпишқоқ туткилар қўйиш;

-ҳимоя тўрлари ва пашшахоналардан фойдаланиш ва х.к.

Дезинсекция. Профилактик тадбирлар ва де- зинсекциянинг механик усуллари қўллаш билан бир вақтда маҳаллий суми-альфа пиретроидининг (эсфенвалерат) 20 % концентрат эмульсиясини инсек- цидлик хусусиятини Пайарик туманидаги “Плем- чорвадор” фермер хўжалиги чорвачилик фермаси ва маъмурий биносида синовдан ўтказилди.

Препаратнинг 0,012 % сувдаги эмульсияси билан молхона ичи (ҳашаротлар тўпланадиган жойлар) ва гўнг уюмлари, гўнгхона ва каналлари (йўлаклар) пуркагич ёрдамида дезинсекция қилинди. Имагога қарши сувли эмульсия ҳар 1 м² юзага 50-100 мл/м² дан намини шимимайдиган юзаларга, 150-200 мл/м² шимиладиган юзаларга сепилди.

Бунда препаратнинг чивинлар имагоси ва личинкасига 100 фоиз инсектицид ҳамда ларвицид самара кўрсатиши аниқланди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Дербенева-Ухова В.П. Мухи и их эпидемиологическое значение. Изд Медгиз. М. 1952. -270 с.
2. Рузимурадов А. Мухи, паразитирующие на кожных покровах домашних животных. //Паразитология, VIII, 5,1974. WWW.zin.ru
3. Штакльберг А.А. Синантропные двукрылые фауны СССР. Изд АН СССР. М. 1956,- 162 с.
4. <http://www.pesticidy.ni>